



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 2 август, жума №123 (1340)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Кизилтепа туманидаги «Кизилтепа пахта тозалаш» корхонаси янги ҳосилни қабул қилишга тайёрлаб қўйилди.

Ўтган йили бу ерда 38 минг тоннадан зиёд пахта қайта ишланди. Шундан 14 минг тонна тола экспорт қилинди. Олинган фойда ҳисобидан технология тўлиқ янгиланди.

Шунингдек, завод қошида «Тўқувчи» кичик корхонаси ташкил этилди. Бу ерда ўттизга яқин аёл сунъий ипдан гилам тўқийди, ишчилар учун маҳсулус кийим-бош тикади. Ушбу маҳсулотлар ҳисобидан ўтган давр мобайнида 41,4 миллион сўм даромад қилинди. Соф фойда 6 миллион сўмни ташкил этди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония ҳукуматининг таклифига биноан 28-31 июл кунлари расмий ташриф билан Кунчиқар мамлакатда бўлди

Ўзбекистон дунёнинг яна бир қудратли давлати билан стратегик ҳамкор бўлди. Гарчи, мамлакатимиз билан Японияни ушбу ташрифга қадар ҳам стратегик ҳамкор давлатлар, деб ҳисоблаш мумкин бўлган эса-да, Токиода имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнод бундай муносабатларимизнинг расмий тасдиғи бўлди ва алоқаларни янада кенгайтириш имкониятларини очиб берди.

Япония Ўзбекистон билан ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келаётган мамлакатлардан бири. Унинг шу қочқона иқтисодий тизимга киритган сармояси ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошади. Бундан ташқари, «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида мамлакатимизга бегараз ёрдам сифатида 100 миллион доллардан зиёд маблағ ажратилган. 2000 йилдан бугунга кичик ҳажми лойиҳалар учун жами 2,225 миллион долларлик маблағ ажратилишини назарда тутуви 48 шартнома тузилди. Ўзбекистонда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, ўнга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий соҳада эса томонлар кўлаб халқаро масалаларда бир-бирига мос муносабатда эканлигини таъкидламоқ жойиз. Халқаро террорчиликка қарши кураш борасида ҳам икки мамлакат бир-бирининг сай-ҳарақатларини маъқуллаб, қўллаб-қувватлаб келади.

Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлаб келади.

Энди икки мамлакат ўртасидаги янги - стратегик ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, аввало, бу муносабатларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиш даркор. Гап шундаки, айрим мамлакатлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, маълум муддат давомида муайян давлат билан қалин ҳамкорлик қилиши, дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ёки ҳамкор мамлакатдаги вазият ўзгариб қолса, тўғрисида текарши қилиши мумкин. Стратегик ҳамкорлик эса, айрим ўзгаришлардан қатъи



назар узоқ муддатли, қалин, ўзаро ишончга йўрилган муносабатларни назарда тутди.

Мазкур ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатлар ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдиради. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам бирдай манфаатдорлиги таъкидланган. Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилган.

Таъкидламоқ жойизки, Ўзбекистон шу йилнинг март ойида АҚШнинг стратегик ҳамкори деб эълон қилинган эди. Эндиликда мамлакатимиз расман ҳам Фарб, ҳам Шарқнинг энг қудратли давлатлари билан ўта қалин ишончли муносабат ўрнатди. Агар бу доирага Европадаги ишончли ҳамкорларимизни ҳам қўшсак, Президентимиз Ислам Каримовнинг узоқни кўзлаб, оқиллик билан юритаётган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон халқаро майдонда нечоғли юксак ўринга эга бўлаётгани яққол намоён бўлади.

Токиода Президент Ислам Каримов ва Бош ва-



зир Жунъитиро Коидзуми имзолаган иккинчи ҳужжат - Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнод ҳам гоят муҳим аҳамиятга эга. У иқтисодийнинг кўлаб соҳалари бўйича икки томонлама қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришни назарда тутди. Жумладан, унда энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, савдо-иқтисодий муносабатлар, сармояларни ўзаро химоялаш ва рағбатлантириш, ҳаво алоқасида ҳамкорликни янада кенгайтириш каби масалалар қамраб олинган. Албатта, Япония томонидан бундан бундан ҳам Ўзбекистондаги ислохотларни янада кенг қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидланади.

Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислам Каримовнинг ташрифи чоғида ҳужжатлар айнан Бош вазири қароргоҳида имзоланган Япониянинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир. Бу стратегик ҳамкорликдан фақат Ўзбекистон эмас, Япония ҳам манфаатдорлигини, икки томонда ҳам алоқаларнинг шундай юксак даражага кўтариш учун интилиш гоят кучли эканини тасдиқлайди.

Умуман, Токиода жами ўн тўртта ҳужжат имзоланиб, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори гоят мураттабланди ва мазмунан бойиди. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирилари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар



вазирининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokyo-Mitsubishi» ўртасида имтиёзли кредит борасидаги «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Япония саймиллаштириши уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар, 348 миллион иенлик грант ажратилиши ҳақидаги нота ва бошқа муҳим ҳужжатларга имзо чекилди.

Ислам Каримовнинг Токиодаги Васада университети томонидан бўлган унвон сананинг ҳуқуқ фанлари бўйича фахрий доктори этиб сайлангани ҳам гоят муҳим воқеадир. Ўзбекистон-Япония илмий муносабатлари ривожига қўшган улкан ҳиссаси, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош ташаббускори ва ижодкори бўлгани учун Васада университети илмий кенгаши Ўзбекистон Президентини ана шу унвон билан тақдирлади.

Университетдаги тантанали йиғилишида Ўзбекистон Президентини Фармони билан икки мамлакат халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, илм-фан ва маданиятнинг ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун таниқли олим ва жамоат арбоби, Васада университети ректори Такаюси Окушима Ватанимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирлангани эълон қилинди. Ислам Каримов орденини топширар



экан, бу ҳам Ўзбекистон-Япония дўстлигининг рамзи эканлигини таъкидлади.

Қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ҳамда сафар чоғида Ислам Каримовнинг ҳуқуқат, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари билан самарали, сермазмун, очик, дўстона музокаралари Президентимизнинг ташрифи юксак даражада ўтганидан далолат беради. Ташриф натижалари сарҳисоб қилар экан, Президент Ислам Каримов ўз масалани алоҳида қайд этди.

Биринчиси, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Япониянинг стратегик ҳамкорлиги расман ўз тасдиғини топганидир.

Яна бир натижа шуки, сиёсий соҳадаги муносабатлар тамомилан янги босқичга кўтарилди. Япония Либерал-демократик партияси мамлакатда қарийб 50 йилдан бундан бундан ҳам унвон билан тақдирланди.

Шундай қилиб, Токиода Ўзбекистон-Япония сиёсий муносабатлари янада юксалиш палласига киргани аён бўлди. Бу албатта, мамлакатимизнинг одил сиёсати, Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларнинг эътирофи, халқимиз ва ҳукуматимизга эътиромдан дарак беради.

Ташрифнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг иқтисодий музокараларга бой бўлганидир. Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «Япония иқтисодиёти тибратиб турган» йирлик корпорациялар раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар бўлди, ишбилармон доираларнинг нуфузли вакиллари иштирокида қабул



маросими ўтказилди. Кўтаринки руҳда ўтган суҳбатлар давомида энергетика, ахборот технологиялари, тўқимачилик, кимё ва энгил санаят, коммуникация тизимларини тақомиллаштириш борасида кўлаб ахдлашувларга эришилди.

Айниқса, пахта ва ипакни қайта ишлаш саноати соҳасидаги келишувлар алоҳида эътиборга молик. Қайси мамлакатда бу соҳада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, иш унумдорлиги оширилиб, маҳсулот сифатли бўлиши таъминланса, пахта ва пилладан келадиган даромад бир неча баробар юқори бўлади. Энди Ўзбекистоннинг ушбу соҳаларига ҳам Япония техника ва технологияси кўпроқ жорий этилиши аниқ.

Ислам Каримов Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиёга кўпроқ вазифасини эгаллашини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда жуда кўп давлатлар қатори Япониянинг ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиёга муносабати тубдан ўзгарди. Сўнгги бир йил ичида эса, бутун дунё Ўзбекистонни қайтадан таниди, десак, хато бўлмайди. Бунинг сабаби кўп. Ўзбекистоннинг минтақамиздаги стратегик, жўрғофий-сиёсий аҳамияти, захиравий имкониятлари, иқтисодий салоҳияти муҳимлигини энди ҳеч ким инкор этолмайди.

Шундай қилиб, Ислам Каримовнинг Японияга сафари унвон натижалар билан якунланди. Таъкидланганидек, Фарбада қудратли давлатлар билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган Ўзбекистон энди Шарқдаги етакчи давлат билан ҳам қалин шерикликни расмийлаштирди. Мамлакатимиз кунчиқар Шарқдан кунботар Фарбгача дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзмади. Ташриф чоғида эришилган келишувлар эса тез орада ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА маҳсулус мухбири Тошкент - Тошкент

Шу пайтга қадар Жондор туманида етиштирилган 50-55 минг тонна пахта Коракүл, Когон пахта тозалаш заводларида қайта ишланар эди. Натижада олинаётган даромаднинг асосий қисми ортиқча йўл харажатларига сарфланарди.

АСОСИЙ МАҲСУЛОТ - ЭКСПОРТГА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қаерда қандай корхона қуриш маҳаллий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда шу жойнинг ўзида ҳал этиладиган бўлди. Шу тарихида туманининг Навоий номидаги ширкат ҳўжалиги ҳудудида янги пахта тозалаш заводи қурилди.

Ўтган йили заводда 42 минг, бу йил 51 минг тонна пахта қайта ишланди.

Бу йил бултургидан 1,5 баробар кўп тола ишлаб чиқардик, - дейди завод директори Меҳмон Янгиев. - Маҳсулотнинг 98 фоизи Корея, Германия, АҚШ каби хорижий давлатларга экспорт қилинди. 2 фоиз маҳсулот мамлакатимизнинг ички бозорига сотилди. Жами 5 миллиард 720 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада 120 миллион сўм соф фойда олдик. Фойданинг бир қисмини завод цехларини газлаштиришга, корхона янги мавсумга ҳозирлашга сарфладик.

Заводда қайта ишланган маҳсулотни тўғридан-тўғри экспортга жўнатиш мақсадида Яқкатут пахта қабул қилиш пунктига темир йўл излари тортиб келинди. Натижада транспорт харажатлари кескин камайиб, ҳар йили 16 миллион сўмдан зиёд маблағ тежаб қолинмоқда. Бу маблағлар заводнинг 520 нафар ишчи-хизматчисини моддий рағбатлантиришга сарфланмоқда.

Яқин вақтда нотўқима матолар ишлаб чиқариш цехи қуриш режалаштирилган.

(ЎЗА).

Наманган-Чуст катта магистралнинг ўнг томонида, шаҳар чегарасидан салгина берида ва кўз етмас пахтазорлар ортида дарахтлар қуршовидаги ҳашаматли бино денгиздаги ёлкан сингари оқариб кўзга ташланади. Яқинлаша борганинг сайин қаддини баландроқ тиклайди. Бу, тумандаги «Зарафшон» ширкат ҳўжалигига қарашли Алижон Воҳидов раҳбарлигидаги бригаданинг дала шийпони. Бригадада пахтадан ташқари дон ҳам етиштирилади. Амалдаги йилда 45 гектар майдондан 45 центнердан бугдой олинди.

Биз бригада аъзолари богдан йиғиштириб олинган ўрикни қуритиш учун хирмонга ёяётганининг устидан чиқдик.

Бу мева туридан ҳам 3 тонна тайёрланапти. Буям даромадимизга қўшимча бўлади, - дейди бригадир.

да тушликка ҳозирлик кўриляпти. Орқа тарафда яна уч хонадан иборат дам олиш хонаси бунёд этилибди. Ишлаб чиқариш натижалари билан қизиқдик.

— Бизда ҳар қандай шароитда ҳам режа бажарилмасдан қолмаган, - дейди бригадир А.Воҳидов. — Ўтган йили йиллик режа муваффақиятли ода этилган. Менимча, унумли меҳнат учун етарли шароит яратиб берилган жойнда, албатта, олдинга қўйилган вазифа уддаланади.

Хўш, туманининг бошқа жойларида ҳам аҳвол юқоридагидеки, далада ишлаётганларга намунали шароит яратилляптими? Афсуски, ундай эмас. А.Воҳидов бригадасидан бир ярим чақирим юрмасимиздан ўзгача манзарага дуч келдик. Биронта деразасининг ойнаси бутун қолмаган ташландиқ иморат нима бўлди экан? Кўкиш автомобил турганлигини, бир неча товук борлигини демасангиз, бу ерга эҳти- мол бир неча йилдан бери одам

оёғи тегмаган каби эди.

— Унақа деманг, бу «Машъал» ширкат ҳўжалигининг Қосимжон Солиев бошлиқ дала шийпони, - деди ёнимиздаги йигит Шамсидин Валиев. — Тўғри, бироз қаровсиз қолиб шундай аҳволга келди.

Маълум бўлишича, Ш.Валиев бригадада пудратчилик қиларкан. Экинлардан хабар олиш учун ташриф буюрибди. Аста шийпон томонга қараб юрдик. Аҳволига маймунар йиғлайди, деган иборани шундай жойлар ҳақида айтишган бўлса керак. Бинога яқинлашмасимизданок

ШИЙПОН

пахта мавсумидагина керакми?

минерал ўғит ҳиди димоғимизга гупиллаб урилди. — Бу ерга одам кирадимми? Тушлик ҳам тайёрланадими? — Гоҳо сувчи Турсунбой Эшбоев савоб учун қозон қайнатиб туради, - жавоб қайтарди пудратчи Ш.Валиев.

Ойлаб супурги тегмаган бундай «антиқа» шийпон «Машъал» ширкат ҳўжалигида ягона эмас экан. Шундоқ ери ерига туташ Сиддиқжон Чўлпонов бошлиқ бригада шийпони ҳам ҳозиргина тилга олиб ўтганимиз «деҳқоннинг иккинчи уйи»идан қолишмайди. Моғор босган хоналар-

Масала кўндаланг қўйилади?

нинг захи, ўт-ўлан босган ховли, йўилган кўздек ойнаси деразалар ўша-ўша... Фарқ шуки, тўрт-беш йигит эски тахталар биргалаштирилиб ҳосил қилинган сўрида ниманидир қизгин тортишиб ўтиришарди. Бригадирини топмаганлигимиз учун ҳисобчи Шукржон Саримсоқовдан шийпондаги ҳолат сабабини сўрадик. — Хавотир бўлманг, ака, пахта теримигача бошлаб ташлаймиз... - деди у.

Ажабо, шийпон фақат пахта мавсумида керакми? Ф.Норхўжаев номли ширкат ҳўжалигининг Карим Эргашев бошлиқ бригада шийпонидида аҳвол ҳам юқоридагилардан қолишмайди. Хоналар ўғри уриб кетган уйдек ҳувиллаган. Таажубки, орқа қисмида минерал ўғит сақлаш хонаси газета-журнал, кўчма кутубхона, радио ёки телевизор хусусида гапиришининг

ўзи ортиқча.

«Боймоқ» ширкат ҳўжалигининг Муборак Маъмуров бошлиқ бригадаси шийпони кўриниши тузук-амамо ичкариси куп-қурук. Ховлига кичкинагина қаравот қўйилганлигини демасангиз, ишловчилар учун қулайлик йўқ ҳисоби. Қаердаки ишловчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароит яратилмас экан, ўша ерда ютққа эришиш қийин. Чуст туманида бир неча йилдан бери режа бажарилмасдан келаётганлигининг боиси аввало шунда эмасмикан? Ёки туман раҳбарлари ҳам «Машъал» ширкат ҳўжалиги 6-бригадаси ҳисобчи Шукржон Саримсоқов бизни ишонтирганидек, шийпонларни пахта йиғим-терими мавсуми келгандагина тайёрлашармикан?

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

ислохотлар муваффақиятининг гаровидир

Фаргона вилоятида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътибор кучайганлиги тўғрисида вакилларнинг етиштирилган ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўпайиб бормоқда. 2001 йилнинг олти ойи ичида бу кўрсаткич жами етиштирилган маҳсулотга нисбатан 31,2 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ярим йиллигида 34,9 фоиз бўлди.

да эса таъсис ҳужжатларини тайёрлашда, шунингдек, кўп бора ҳужжатларни экспертизадан ўтказишда, даво аризалари йўллашда ёзма ва

ТАДБИРКОРДАН ХАТ КЕЛДИ

Қўмитамизга 2002 йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик соҳасида фаолият юритадиган ходимлардан 12 та ариза ва шикоят тушди. Уларнинг кўпи иш ҳақи кечикиб тўланаётганлиги, адолат тарозуси бузилаётгани ҳақида эди. Касаба уюшмалари ёрдами билан омилкор кишилар мушуқли осон этилди. Инсон яхши ишлагандан кейин, яхши дам олиши ҳам керак. Олти ой

ичида қўмитамиз томонидан 72 нафар тадбиркор соғломлаштирилди. Бу ишга 4 миллион 895 минг сўм сарфланди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан тузилган тадбирларимизга кўра омилкорлик соҳасида ишлаган пенсионерлардан 5 нафари 100 фоиз имтиёзли йўлланма билан таъминланди ва зиёратгоҳларга саёҳатлар, концертлар уюштирилди.

Тадбиркорларнинг бўш вақтлари мазмунли ва мароқли ўтиши учун имкон қадар ҳаракат қилинапти. Апрель ойида икки босқичдан иборат мини футбол мусобақаси ўтказилди. У ҳақиқий спорт байрамига айланди. Ғолиблар муносиб тақдирланди. Эндиликда вилоят кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшма қўмитаси 3648 та корхона ва ташкилотни бирлаш-

тирган. Касаба уюшма аъзолари сони 38 минг 211 нафарни ташкил этади. Инсон омилига эътиборни тобора кучайтирмакдамыз. Зеро, қаерда шароит яхши, ишловчилар кайфияти чоғ бўлса, на-тижа ҳам шунга яраша бўлади.

Муҳиддин ЛАТИПОВ,
вилоят кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшма қўмитаси раиси.


МУЛҚДОРЛАР УЛУШИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакат ички бозорига сифатли ва энг зарур маҳсулотлар етказиб бераётган хусусий корхоналар кўпаймоқда. Фарғона шаҳридаги Абдурахмон Ниязов бошлиқ бўлган «Сайқал» савдо ишлаб чиқариш фирмаси доверу кенг ёйилди. Бу ерда велосипед, икки турдаги ногиронлар аравачаси ҳамда аҳоли эҳтиёжи учун гоёта керакли 18 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Қувончлиси шуки, ушбу фирма раҳбари «Ташаббус-2002» республика танловида Ғолиб деб топилди, Президент соврини — «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди. Вилюятимиз вакили Зокиржон Ғофуров мазкур нуфузли танловнинг «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Яқинда «Мўминжон» кичик корхонасига худди шу масалада ёрдамлашгандик. У кредитдан унумли фойдаланиб, тўрт турдаги консерва ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Марғилондаги илмий ишлаб чиқариш маркази ҳам қўллаб-қувватлашмиз билан 10 миллион сўм кредит олганди. Ҳозир бу ерда жарроҳлик ипи ишлаб чиқарилмоқда.

Фаолиятимизда хорижий сармояларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда 5 та лойиҳа молиялаштириш арафасида. Бундан ташқари 14 хорижий лойиҳа республика банкларида кўриб чиқилмоқда.

Вилюят, шаҳар ва туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳуқуқшунослари томонидан омилкор кишиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қатъий туриб ҳимоя қилинмоқда. 306 ҳолатда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий текширувларида палата ҳуқуқшунослари иштирок этишди. 936 ҳолат-



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

оғзаки маслаҳатлар берилди. Таъкидлаш жоиз, ишбилармон кишилар малакасини ошириш, улар ҳуқуқ ва бурчларини теран англашларида «Тадбиркорлар кутубхонаси» туркумидаги 18 та услубий қўлланманинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Баҳоидир ДАДАЖОНОВ,
Вилюят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Фарғона вилоятида ҳозирги кунга қадар 50995 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган.
- 2002 йилнинг 6 ойи давомида 3598 та кичик ва ўрта корхоналар ташкил этилди.
- Янгидан ташкил қилинган кичик ва ўрта корхоналар ҳисобига 22791 та ишчи ўринлари яратилди.
- Вилюят тижорат банкларида тадбиркорликни ривожлантириш учун шу йилнинг 6 ойи давомида 8,6 миллиард сўм кредит ажратилди.
- Кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг экспорти 5,9 миллион долларни ташкил қилди.

Мустақил Ўзбекистонимизда изчил амалга оширилган ислохотлар ўзининг мевасини бермоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш кўшма ҳақида ҳам, шаҳарда ҳам, иқтисодий-сиёсий ислохотларнинг муваффақиятига гаров бўлиб хизмат қилмоқда.

Банкимиз ходимлари ҳам бир ёнда ҳаракат қилиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдалар. Уларга амалий ёрдамни кўнгилдагидек йўлга қўйиш учун алоҳида бўлим ташкил этдик. Ушбу

КРЕДИТ ШАРОФАТИ

бўлимда тадбиркорлар бурчаги ташкил этилган бўлиб, унда мижозларга ҳисоб варақаси очиб, кредитлар ва микрокредитлар олиш, бизнес режалар тузиш юзасидан тегишли маълумотларни олишларига тўла имконият яратилган. «Ишонч» телефонлари доимо ишлаб турибди.

Кредит ажратиш бўлимида ўтган олти ой ичида ишлаб чиқаришга 49 миллион

сўм, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига 57 миллион сўм, савдо ва савдо воситачилигига 38,5 миллион сўм кредит сармоялари ажратилди. Худди шу кредитлар эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар 190 миллион сўмни ташкил этди. Янги иш ўринлари кўпайди. Эътиборлиси шуки, кредитларнинг 49 миллион сўми ёки 23 фоизи инвестицион хусусиятга эга бўлиб, улар кичик ва

ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш омили, яъни энг яхши дастгоҳлар сотиб олишга сарфланмоқда.

Ҳамкорларнинг иқтисодий аҳоли яхшиланиб бораётганлиги ўзимизни ҳам қувонтирапти. «Улуг — Умид» компанияси банкдан кредит олиб, «Морал-125» русумли комбайн сотиб олди. Бу қанчалик муҳимлигини амалда кўриб турибмиз. «Алматин» кўп тармоқли савдо

ишлаб чиқариш фирмаси эса фотосуратлар тайёрланадиган ажойиб дастгоҳ сотиб олди. Шундан кейин иш ўринлари 7 тага кўпайди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш нақадар аҳамиятли эканлиги яна бир бор қайд этиб ўтилди. Бу ўта ҳаётий масала фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолаверди.

Маҳаммаджон ШЕРМАТОВ,
«Ўзўйжойжамгармабанк» вилюят бўлими бошқарувчиси.

ҒОЙИБДАН КЕЛАЖАК БАХТ БИР АФСОНА

Ҳаммаси Акрамни Тошкентдаги кўрғазмаларнинг бирида намойиш этилган кичик босмахона лойиҳасини ёқтириб қолганидан бошланди. Ўша пайтда у Фарғонада машҳур «Супер Фарма» корхонасида бош ҳисобчи бўлиб ишларди. Кичик босмахона очиб ҳақидаги фикрини Олимжон Мамасиддиқовга айтиб, ундан маслаҳат сўради.

Акрамни етти ўлчаб бир кесадиған йигит эканлигини, тадбиркорлигини билган устози шогирдининг бу фикрини қўллаб-қувватлади.

— Харақатни 30 иш ўрни кўзда тутилган кичик босмахона лойиҳасини ишлаб чиқишдан бошлаганмиз, — дейди Акрамжон. — Барча ташкилий ишларни ҳал қилиб, вилюят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан 25 миллион сўм кредит сўрадик.

Лойиҳамиз маъқул келди шекилли, сўраган маблағни янги ташкил этилган «Супер-Принг» хусусий фирмамиз ҳисобига ўтказиб беришди.

Фаолиятининг дастлабки кунларида битта нусха кўпайтирувчи ускуна билан иш бошлаган «Супер-Принг» кичик корхонаси тўртта одам ишга жалб қилган эди. Босмахона фаолиятини бошлаган дастлабки ойда 225 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Бугунга келиб ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига замонавий дастгоҳлар келтирилиб, фаолият доираси кенгайтирилди. Ҳозир бу ерда 32 киши меҳнат қилмоқда. Буюртмалар тез ва сифатли бажарилаётгани тўғрисида мижозлар сони кўпаймоқда. Айни кунда босмахонада 10 та замонавий полиграфия дастгоҳи бор. Ойига 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Фарғонада «Супер-Принг» босмахонаси хизмати кириб бормаган корхона ва ташкилот камдан-кам.

— Фирмамизнинг олти ойлик ҳисоботини кўздан кечирарканман, йўл фондига 1 миллион 600 минг сўм маблағ ўтказганимизга эътибор қаратдим, — дейди ёш тадбиркор. — Бу кўп эмасмикан, деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Лекин кун-кеча Қамчиқ довоини орқали Тошкентга борганимда юқоридаги фикрим мутлақо нотўғри эканлигига амин бўлдим. Чунки, Ўш — Тошкент довини йўлидаги бунёдкорлик ишларини кўриб ҳайратга тушдим ва беихтиёр соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг, «Кудратимизга шубҳа қилганлар биз қураётган иншоотларни кўрсин» деган пурҳикмат сўзларини эсладим ва фахрландим.

Акрамжоннинг ҳали орзулари кўп. У фаолиятини янада кенгайтириб, иш ўринларини 100 тадан оширмоқчи. Мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтармоқчи.

Мўйинжон СОБИТОВ,
«Ишонч» муҳбири.

2004 йилда Олимпиада ўйинлари Грецияда ўтиши ҳақидаги хабар тарқалмасиданок, мазкур мамлакат ҳукумати ушбу жаҳоншумул тадбирга тайёргарликни бошлаб юборганди. Чунки, мазкур ўйинларнинг ватани ҳисобланган Юнистонга йилга йўл минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Мамлакатга гажнасига келиб тушадиган даромад ҳам асосан, туризм соҳасидандир. Шунинг учун ёзу киши грецияликлар мамлакатни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келади.

ГРЕЦИЯ ОЛИМПИДАГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Пойтахт — Афинада аллақачон қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Спортнинг бир қатор турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларнинг ҳар бирига алоҳида жой ҳозирланмоқда. Унга яқин янги стадион барпо этилаётди. Асосий эътибор Олимпия ўйинлари очилиш маросими ўтказиладиган ўйингоҳга қаратилмоқда.

Охириги марта Австралия пойтахти - Сиднейда ўтказилган олимпиаданинг очилиш ва ёпилиш маросими ўзининг ранг-баранглиги билан муҳлисларда катта таассурот қолдирган эди. Греция маданият вазири Эван-

гелос Венизелоснинг айтишича, грецияликлар бу галги тадбирни олдингидан қолишмай қатор турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларнинг ҳар бирига алоҳида жой ҳозирланмоқда. Унга яқин янги стадион барпо этилаётди. Асосий эътибор Олимпия ўйинлари очилиш маросими ўтказиладиган ўйингоҳга қаратилмоқда.

Кизиғи шундаки, янги иншоотларни қуриш пайтида қурувчи-лар тез-тез қадимги обидаларнинг қолдиқларига дуч келмоқда. Бунинг ажаблანарли жойи йўқ. Зеро, юнон замини тараққийёт бешининг ранг-баранглиги билан муҳлисларда катта таассурот қолдирган эди. Греция маданият вазири Эван-

Шарҳловчи минбари

худудида тарихи минг йиллар қаърига бориб тақалувчи обиданинг бўлақлари аниқланди. Энди қурилиш майдонларида бунёдкорлар билан бирга қадимшунослар ҳам тер тўкаё-

тир. Топилмалар эса мамлакат музейларига топширилмоқда.

Айни пайтда Греция ҳукуматини спорт байрамига ташриф буюрувчи минглаб спортчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам таш-

вишлантираётди. Чунки Греция ҳам террорчиликдан жабр кўрган давлатлар сирасига киради. Мамлакатда хуфёна фаолият олиб бораётган «17 ноябр» террорчилик гуруҳи ўйинларнинг тинч ўтишига халал бериши мумкин. Яқинда мамлакат қуроли кучлари ана шу ташкилотнинг фаолиятига чек қўйди. Бундан хабардор бўлган Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге ниҳоятда мамнун эканини билдириб, жаҳон спорт ўйинлари кўнгилдагидек ўтишига шубҳам йўқ, деди.

Шахноза МАТНАЗАРОВА,
Ўза шарҳловчиси.



САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ДЕ Х Л И. Покистон президенти Парвез Мушарраф уч кунлик расмий ташриф билан Бангладешга келди. Бу ерда Покистон давлат раҳбари Бангладеш бош вазири Халидий Зиё Раҳмон билан музокара ўтказди. Музокарада халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бориш масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, икки томонлама савдо-иқтисодий, маданий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Б Р У Н Е Й. АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Бруней пойтахтида Шимолий Корея ташқи ишлар вазири Пек Нам Сун билан 15 дақиқалик норасмий учрашув ўтказди. Сўхбат чоғида қандай масалалар хусусида фикр алмашилгани маълум эмас. Икки давлат ташқи ишлар вазири Брунейда бўлиб ўтаётган АСЕАН форумида иштирок этмоқда.


Б О Г О Т А. Шу йилнинг апрел ойида Колумбиядан Эква-

дорнинг Эсмералдас шаҳри томонга учган «Элиамерика» компаниясига қарашли вертолёт ҳалокатга учраган эди. Вертолёт ичида бўлган франциялик ва Канаданинг икки нафар фуқароси йўқолиб қолганди. Яқинда уларнинг дарағи топилди. Маълум бўлишича, улар мамлакатда фаолият кўрсатаётган экстремистлар гуруҳи жангарилари томонидан асирга олинган экан. Маҳбуслар ўз давлатининг Колумбиядаги элчихоналари аралашуви билан асирликдан озод этилди.

(Ўза).

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ ҳукумати Ок уйда ташқи сиёсатни мувофиқлаштириб борувчи марказни ташкил этишга қарор қилди. Вашингтон маъмурларининг сўзларига қараганда, бу марказ ўтган йил сентябр воқеаларидан кейин худди шу мақсадда тузилган коалицион ахборот маркази асосида таркиб топди.

Н Ъ Ю - Й О Р К. Шу ҳафтада Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Переснинг АҚШга расмий ташриф кутулмоқда. Шимон Перес сафар олдидан «Син-эн» телекомпаниясига интервью бериб, Яқин Шарқда тинчликка эришиш осонмас, бунинг учун вақт ҳамда Фалас-



5-11 август

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлинома»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

Профилактика муносабати билан душанба, 5 август кuni «Ёшлар» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 бошланади...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

СЕШАНБА, 6

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот»...

12.45 Ш. Бошбеков. «Темир хотин». Андижон вилоят театрининг спектакли. 1-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

ЧОРШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

ПАЙШАНБА, 8

21.30 «Инсон манфаати». 21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериял премьераси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

ЖУМА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

17.00 1. «Сехрли харфлар оролчаси». 2. «Беш бармоқ». Тележурнал.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

ЖУМА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

12.25 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 17.00 1. «Сехрли харфлар оролчаси»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

ЖУМА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

22.50 «ТВ-4да мусиқа». 23.10 Кининг олтин асри: «Омон қолганлар»...

ШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусиқа»...

чиқарилган. 20.40 «Муз-zone». 21.00 Тунги канал: «Ҳали кеч эмас»...

ЯКШАНБА, 11

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35 «Камалак»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазиаси»...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусиқа»...

«Шифокор» — санаторий типдаги болалар соғломлаштириш оромгохи. У Шовот туманидаги сўлим масканлардан бири - «Сохибкор» жамоа хўжалигидаги «Она ва бола» шифо маскани ҳудудида жойлашган. 5 гектардан зиёд майдонни ўз ичига олган.

Ўзги соғломлаштириш

майдончаси, сузиш ҳавзаси болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришларини таъминлаётир.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

— Очиғи, боғ-роғ ичида яшаймиз, дейди оромгоҳ бошлиғи Зарипбой Одиллов. — Сархил, янги узилган мевалар ҳар куни болалар дастурхонини безайди.

Таъкидлаш зарурки, замонавий усулда барпо этилган ётоқхоналар, махсус даволаш биноси, 150 ўринли ошхона, томошалар зали, спорт



рени таъминлаш мақсадида уларга зардўзлик, каштачилик, халқ унармандчилигини ўргатувчи тўғараклар ишлаб турибди. Санаторий типдаги оромгоҳ бўлгани боис бу ерда даволаш имкониятлари ҳам катта. Электрофорез, дарсонвал, амплепулс, УЗТ, инголяция, тўрт камерали гальванизатор, УФО, электроуйку, чирок ваннаси каби физиотерапевтик муолажалар дам олувчиларга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари паразит апликацияси қўйиш ҳам яхши самара бермоқда. Болажонлар айниқса, шифобахш гиёҳлардан ажойиб шарбатлар тайёрлаб берувчи фитобар маҳсулотларини жуда хуш кўрадилар.

Муҳими, соғлиқни сақлаш ходимлари тизимида ишлаётган меҳнаткашларнинг фарзандлари бу ерда имтиёзли ва бепул йўлланмалар асосида дам олиш имкониятига эга.

М. ЎРМОНБЕКОВА.



КУЙ ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ

«Гулнора» оромгоҳи Шахрисабз туманидаги бошқармаси тасарруфида бўлиб, ҳар мавсумда 400 нафардан зиёд болаларга хизмат олидирилади. Оромгоҳда турли тадбирлар, қизиқарли кечалар ўтказиш одат тусига кирган.

Яқинда «оромгоҳда ўтказилган «Беғубор келажак — оталар зиммасида» деб номланган тадбир болаларда катта таассурот қолдирди.

Қарши Бош каналдан фойдаланиш бошқармаси касаб

ушма кўмитаси ҳамда Таллимаржон шаҳар Алишер Навоий номли маданият маркази жамоаси ҳамкорлигида сайёр концерт дастури намойиш этилди. Концертни томоша қилган Зебинисо номли,

«Гулнора», «Лочин» оромгоҳларида дам олаётган ёшлар майроқли ҳордиқ чиқардилар.

— Жамоамиз оромгоҳларда дам олаётган болаларга хизмат кўрсатиш учун ўз дастурини

турларига эга, дейди Таллимаржон шаҳар Алишер Навоий номидаги маданият маркази раҳбари, сахналаштирувчи режиссёр Мурод Ҳазратқулов. — Бундай тадбирларни доимий равишда ўтказиб туралишимиз.

Ўқувчилар Шахрисабз туманидаги 102-мактаб ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Шахноза Холмаҳматова билан учрашдилар.

Ш. СУЛТОНОВ.
Суратда: ижодий учрашувдан лавҳа.



БОШ БЕКАТДА

шаҳарлараро телефон шохобчаси

«Бухоро-1» темир йўл бош бекати Когон шаҳридаги энг гўзал масканлардан бирига айланди.

Шаҳар ҳокимияти темир йўл маъмурияти билан ҳамкорликда бекатга янгича чирой бахш этиб, йўловчиларга бир қатор қулайликлар яратди.

— Бухоро шаҳрига тез-тез келиб тураман, — дейди Тожикистон фуқароси Анвар Тожиев, — қариндошлар

билан борди-келдимиз бор. Қарангки, бу галги ташрифимда бекатни танимай қолдим. Ниҳоятда бежирим ва гўзал қиёфа бахш этибди. Айниқса, шаҳарлараро телефон шохобчасининг ишга тушиши мен учун ажойиб янгилик бўлди.

Шаҳар «Алоқа сервис» корхонасининг бевосита саъй-ҳаракати билан барпо этилган телефон станцияси тармоғининг ишга тушиши-

дан нафақат шаҳар аҳолиси, балки меҳмонлар ҳам мамнун бўлишмоқда. Бу ерда ишжозлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бир йўла беш қилишга хизмат кўрсатадиган сўзлашув хоналари мавжуд.

Уз ишининг усталари Хумор Эргашева ва Зухраҳон Аҳмедовалар ширин сўзи, ишчанлиги билан барчани хушнуд этмоқда.

Замонавий типда барпо этилган бекатда меҳмонлар учун кутиш, дам олиш ва овқатланиш хоналари бўлиб, уларда йўловчилар учун барча қулайликлар муҳайё.

У. НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Шифокор маслаҳати

Қариш жуда мураккаб жараён бўлиб, унинг асосида қон томирлар деворига холестерин тузининг чўкиши натижасида ривожланган атеросклероз касаллиги ётади. Агар инсоният бу касалликка чалинмаганда, жуда узоқ умр кечирарди. Ҳасталик манбаи эса биз суюб танаввул қиладиган, таркибида холестерин моддаси кўп бўлган гўшт ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, ҳайвон ёғлари, балик иқраси, ёғи олинмаган сўт ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, пишлок, торт ва пирожнийлар кабилардир.

қат билан доимо хом қарамдан тайёрланган салат истеъмоли қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кези келганда, дағал қора буғдойи унда ҳам клечатканинг микдори кўплигига эътиборни қаратиш лозим. Хусусан, қариш жараёнини тўхтатиш учун доимо

ҚАРИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН

Турли зарарли одатларнинг кўпайиши (чеккиш ва спиртли ичимликларни ҳаддан зиёд кўп истеъмоли қилиш) ва овқатланиш тарзини нотўғри ташкил қилиш оқибатида қариш жараёни тобора тезлашмоқда.

Илмий тиббиёт асосчиси Гиппократнинг ушбу сўзларини ёдга олайлик-а: «Кишилар онандан соппа-соғ туғилдилар, кейинги ҳаёт даврида орттирилган касалликлар эса овқат орқали киради».

Қарангки, дунёда энг узоқ умр кўрувчи Кашмирнинг Хунза вилояти халқи гўшт ва гўшт маҳсулотларини, ҳайвон, ёғини истеъмоли қилишмас, асосан ўрик ва ундан тайёрланган маҳсулотлар билан кифояланишар экан. Улар ўртача 120 йил яшади. Ҳатто, 140га қирганлари ҳам кўп. Бу халқда бирорта ҳам қариган кишини топмайсиз. Уларнинг юздан ошганлари ҳам тетик ва бақувватдир.

Қариш жараёнининг асоси атеросклероз касаллиги эканлигини айтиб ўтдик. Ҳўш, қариш

жараёнини секинлаштириш мумкинми? Албатта, мумкин. Бунинг учун овқатланиш тарзини қуйидагича ташкил қилишни тавсия этилади.

Таркибида холестерини кўп бўлган овқат маҳсулотларидан иложи борича истеъмоли қилмаслик. Мева ва сабзавотларни кўпроқ хом ҳолда истеъмоли қилиш. (Пиширилганда улар таркибидаги айрим моддалар нейтралланиб қолади).

Аваллари овқатнинг дағал толали қисмини ичакларда ҳазм бўлмайдиган маҳсулот деб ҳисоблар эдик. Кейинчалик фанга маълум бўлишича, овқатнинг дағал толали қисми ичакдаги моддаларни ва холестеринни ўзига шимиб олиб, организмдаги барча аъзо ва тўқималардаги моддалар алмашинувини бир маромда боришини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида организмни ёшартириб, қариш жараёнини тўхта-тувчи омил вазифасини ўтайди.

Таркибида дағал толали қисми кўп бўлган (клетчатка) овқат маҳсулотлари ичида хом қарам алоҳида ўрин тутди. Ов-

қора нон истеъмоли қилиш ҳар замонда маккажўҳоридан тайёрланган зогора нон ейиш ҳам жуда фойдалидир.

Касалликнинг йўлини тўсувчи энг яхши усуллардан бири бу ўрик ва ундан тайёрланган шарбат истеъмоли қилишни қанда этмаслик ҳисобланади. Таркибида кофеин бор ичимликларни меъзерида ичиб туриш ҳам соғлиқ учун бениҳоя фойдалидир. Шунингдек, доимо кўк чой ичиш тавсия этилади. Негаки, кўк чой қон томирларни кенгайтиради ва мустаҳкамлайди. Кўк чой таркибидаги катехин моддаси организмнинг табиий равишда радиация таъсиридан сақлаб, умрни узайтиради.

Кўриниб турибдики, ҳаммаси ўзимизга, иродамизга боғлиқ. Озгина нафсимизни тийсақ, ва саломатлигимиз буюрган ишни қилсак, касал ҳам бўлмаймиз, барвақт қариб ҳам қолмаймиз.

Раҳматилла БЕКТОШЕВ,
олий тоифали шифокор.

Умид юлдузлари

Поп туманилик мамлакат чемпиони Ботиржон Жўраев эндигина 13 ёшга қадам қўйди. Бироқ у кўпда учрамайдиган зўр шижоат, катъият соҳиби.

вгалари ҳам унинг маҳоратига берилган камтарин баҳодир. — Артур Григорян,

ЎН УЧ ЁШЛИ ЧЕМПИОН

— Битта ўғил бўлгани учун ҳам Ботиржонни ёру кўкка ишонмасдик, — дея хотирлайди қаҳрамонимизнинг онаси Ҳабиба опа. — Шу сабабли, болалигида қаратэ тўғрагида қатнашаман, деганида қаттиқ қаршилиқ кўрсатганмиз. У ўз сўзидан қайтмай, тенгш ўртоқлари билан машғулотларга қатнай бошлагач, рози бўлганмиз.

Ҳа, беш ёшидан оқ болалар боғчаси қоши-

даги қаратэ тўғраги машғулотларига қатнай бошлаган Ботиржон ота-онасини уялтириб қўймади, сўзининг устидан чиқди. Аввал, туманда ўтказилган катта-кичик мусобақаларда қатнашиб, маҳоратини оширди. Сўнгра вилоят миқёсидаги беллашувларда зафар қўчди. Бугун эса унинг кўксини вилоят, мамлакат биринчиларининг медаллари безаб турибди. Шунингдек, кўплаб фахрий ёрликлар, эсдалик со-

Мухаммадқодир Абдуллаевлардек машҳур спортчи бўлиш орзусидан, — дейди Ботиржон. — Айни кунларда мураббийим Умар ака Фаниевдан таъқвандо ва қаратэ сирларини ўрганилман.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири.

ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙДИЛАР

Икки давра ўртасидаги оралик таънаффус ниҳоясига етиб, яна футбол муҳлислари учун ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. Нафас ростлаб олиш учун берилган имкониятдан жамолар қай даражада фойдаланиши, ҳадемай биз буни ҳам билиб оламиз.

Табиийки, қадрдонлар бир кун кўришмаса дарҳол ички қилишадди. Очиғи, биз ҳам футболни, ўз футболимизни соғиниб қолдик. Бунинг сабаблари бор, албатта. Биринчидан, хали ҳарорати тушиб улгурмаган Жаҳон чемпионати таассуротлари остида ўтган фурсат ичида бизнинг футболимизда ҳам нимадир ўзгариш бўлди, йўқми, тезроқ билгимиз келаётир. Қолаверса, яна бир неча кундан сўнг бир йўла икки катта турнир — Қитъа суперкубоги баҳслари ҳамда Жанубий Корейнинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтказилган Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган футбол беллашувлари бошланади. Ҳар ҳолда, муҳлислар мавсум охиригача асло зерикиб қолишмайди.

Ҳозир фақат бир нарса бизни ўйга толдириши мумкин: кузда санок асноси жўжалар қутилганидан

кам чиқмайдимиз? Бундай дейишимизга эса етарлича асослар бор. Биринчидан, республикамиз Футбол федерацияси халқро майдонда яхши натижаларга эришининг бирламчи шарти сифатида ички чемпионатимизда қаттиқ тартиб ўрнатилди.

Табиийки, қадрдонлар бир кун кўришмаса дарҳол ички қилишадди. Очиғи, биз ҳам футболни, ўз футболимизни соғиниб қолдик. Бунинг сабаблари бор, албатта. Биринчидан, хали ҳарорати тушиб улгурмаган Жаҳон чемпионати таассуротлари остида ўтган фурсат ичида бизнинг футболимизда ҳам нимадир ўзгариш бўлди, йўқми, тезроқ билгимиз келаётир. Қолаверса, яна бир неча кундан сўнг бир йўла икки катта турнир — Қитъа суперкубоги баҳслари ҳамда Жанубий Корейнинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтказилган Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган футбол беллашувлари бошланади. Ҳар ҳолда, муҳлислар мавсум охиригача асло зерикиб қолишмайди.

Ҳозир фақат бир нарса бизни ўйга толдириши мумкин: кузда санок асноси жўжалар қутилганидан

Футбол

тиш тамойилларидан келиб чиқиб, авваламбор олий лига жамоалари олдида жиддий талаблар қўймоқда. Яъни, жамоалардан шун кунгача федерацияга тўшмаган бадалларни тўлаб қўйишни сўрамоқда. Акс ҳолда, қарздор жамоаларни чемпионатда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга бўлган жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Иккинчидан эса, юқорида биз тилга олиб ўтган турнирлар қарийб би пайта ўтказилиши муносабати билан юзага келган муаммони ижобий ҳал қилиш кун тартибига киритилгани, бунинг ечимини топмай туриб, куздаги жўжалар ҳақида орзу қилиш ҳам қийин. Гап шундаки, шароит тақозосига кўра, бугунга келиб «Пахтакор» клубининг жуда кўпчилик аъзолари терма жамоанинг

ҳам етакчи ўйинчилари бўлиб қолди. Чемпионатимиз карбонбосионининг Суперкубоқда ҳам иштирок этишини инobatта оладиган бўлсак, биз назарда тутган муаммо анчайин чигал эканлиги маълум бўлади. Ҳўш, футбол федерациямиз ушбу масаланинг ижобий ечимига эриша оладими, йўқми? Кўп нарса ана шу ечимга боғлиқ.

Бу йил ўзбек футболининг 90 йиллиги нишонланади. Уйлаймизки, ушбу кутлўғ санага муносиб совға билан келиш учун бизда барча асослар бор. Ҳар ҳолда кўнгида барқ уриб турган умид ниҳоллари чуқур илдиэ отиб, мўл ҳосил беришига ишонгимиз келмоқда.

Ишқибоз ён дафтари

Олий лига иккинчи даврасининг илк учрашувлари:
3 август
«Пахтакор» — «Дўстлик»
«Самарқанд» — «Навбахор»
«Бухоро» — «Андижон»
«Сўғдийна» — «Металлук»
«Зарафшон» — «Кизилкум»
«Кўкон-1912» — «Нефтчи»
«Насаф» — «Сурхон»
4 август
«Трактор» — «Машъал»

Бу турфа олам

АҚШдаги машҳур «Сотбис» кимшоиди савдо уйда дунёдаги энг қиммат танга савдога қўйилди. Ноёб санъат асарлари ва буюмлар билан савдо қилувчи «Сотбис» марказида галдаги кимшоиди савдоси атиги ўн дақиқа давом этди. Ноёб танга 6,6 миллион долларга сотилди. Одатдагидек бу сафар ҳам савдо талашлар билан ўтса-да, ишининг бунчалик тез пишишини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган эди.

Энди «Сотбис» ҳўжайинларининг қувончи чексиз. Чунки дастлаб 2,5 миллион долларга баҳоланган антика танга деярли уч баробар қимматга сотилди.

Ҳозирча олтин тангани сотиб олган бойвачанинг қимлиги сир тутилмоқда. Аниги шунки, у савдо жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этмаган. Олдиноттин телефон алоқаси орқали пишитиб қўя қолган.

6,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ОЛТИН ТАНГА

1933 йилда чиқарилган йигирма долларлик танга олтиндан ясалган. Соҳа вакиллари унга «Мона Лиза» тангаси» деб ном ҳам қўйган. Ушбу тангалар АҚШ тарихидаги машҳур Тушкунлик даврига оид бўлиб, қадр-қиммати жуда баланд бўлган. Уша пайтда ҳуқумат бу олтин тангалардан воз кечиб, уларни муомалага киритмасдан қайта ишловга жўнатиб борадиган эди.

Жами ўн икки донга бўлган олтин тангаларнинг иккитасини мамлакат молия вазирини ўтган асрадек Смитсон коллекциясига совға қилган. Қолгани эса номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди. Мамлакат махсус хизмат вакиллари туналган тўққиз тангани топшишга муваффақ бўлди. Бироқ биттаси исзис кетди.

Роппа-роса ярим аср ўтгач, у кимнинг қўлида экани маълум бўлди. Англиялик танга йиғувчи Стивен Фентон Лондонда сотиб олган олтин танга озмунча машамаларга сабабчи бўлмади дейсиз. Фентон ноёб матохни кўлдан чиқаргани келмади, ўз навбатида танганинг эгалари — АҚШ ҳукумати ҳам унинг қайтарилишини талаб қилиб туриб олди.

Узоқ тортишувлардан сўнг полиция вакиллари ва Фентон ягона фикрга келди. Танга сотиладиган, ундан тушадиган пул эса икки томонга баробар тақсимланадиган бўлди.

1999 йилгача дунёда энг қиммат танга кумушдан ясалган доллар бўлганда, 1804 йилда чиқарилган уша танга 4,1 миллион долларга сотилган. Бироқ энди рекорд янгиланди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон касаб

Узбекистон касаб

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаб
уюшмалари Федерацияси

Бош
муҳаррир
Мирғиёс
ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одиллов, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.00

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.